

---

1 февралдан иш ҳақлари 10 фоизга ошди

Президент [қарорига](#) асосан 2021 йил 1 февралдан бошлаб:

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори - ойига **747 300 сўм** (аввал 679 330 сўм);

Базавий ҳисоблаш миқдори - **245 минг сўм** (аввал 223 минг сўм);

Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа - **434 минг сўм** (аввал ҳам шунча, яъни ошмайди);

Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам - **326 мингдан 653 минг сўмгача** (аввал ҳам шунча, яъни ошмайди);

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа:

а) битта болали оилаларга - **144 100 сўм** (амалда 131 минг сўм);

б) иккита болали оилаларга - **238 700 сўм** (аввал 217 минг сўм);

в) учта ва ундан ортиқ болали оилаларга - **334 400 сўм** (амалда 304 минг сўм);

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам - **434 мингдан 1 085 минг сўм** (аввал ҳам шунча, яъни ошмайди) этиб белгиланган.

2021-02-01 18:01:49